

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИМОМҚУЛОВ ШУХРАТЖОНБОҚИЖОНОВИЧ

ЖИН АРРАСИ ИШЧИ ЮЗАСИНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ

05.02.03. “Технологик машиналар.Роботлар, мехатроника ва робототехникатизимлари”
ихтисослиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

НАМАНГАН - 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии(PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Имомкулов Шухратжон Бокижонович

Жин арраси ишчи юзасининг конструкциясини такомиллаштириш
ҳисобига ишлаш самарадорлигини ошириш..... 3

Имомкулов Шухратжон Бокижонович

Повышение эффективности использования джидных пил за счет
усовершенствования конструкции рабочей поверхности
пилы..... 27

Imomkulov SHuhratjon

Increasing the efficiency of the use of laser saws by improving the
design of the working surface of the saw 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 56

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИМОМҚУЛОВ ШУХРАТЖОНБОҚИЖОНОВИЧ

ЖИН АРРАСИ ИШЧИ ЮЗАСИНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ

05.02.03. “Технологик машиналар.Роботлар, мехатроника ва робототехникатизимлари”
ихтисослиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

НАМАНГАН - 2021

Техника фанлари бўйичафалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Т1136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуқаҳҳоров Зоҳиджон
Техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мадумаров Илхомжон Дадаханович
техника фанлари доктори, профессор

Мурадов Акрамжон Абдусаттарович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» июл соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869)228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (402-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» июл куни тарқатилди.
(2021 йил«12»июлдаги 41- рақамли реестр баённомаси).



Р. М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафадоктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тўқимачилик саноатининг асосий хом-ашёси пахта толаси ҳисобланади. Халқаро консултантив қўмита (ICAC) маълумотларига қараганда «Дунё бўйича пахта майдони 32,4 миллион гектарни ташкил этади, тола ишлаб чиқариш эса 25,68 миллион тоннани ташкил этади, шу билан бирга жаҳон миқёсида пахта толасини истеъмоли 26,7 миллион тоннагача кўтарилиши кутилмоқда»¹. Пахта толасини экспорт қилувчи мамлакатларда пахта толаси ва уни сифатига бўлган талаблар нисбатан юқори бўлиб, улар халқаро пахта бозоридаги нуфузини сақлаш учун пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятини берувчи янги, ресурстежамкор техника ва технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу ҳолат улардан муайян харажатлар қилишни талаб этади. Шунга кўра, ишлаб чиқарувчилар учун олинаётган иқтисодий фойдани таъминлаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган чоралар муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда пахта маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши сабаблийрик пахта етиштирувчи мамлакатларда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш ва уларни илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, жараёнлар математик моделларини ишлаб чиқиш ва оптимизация усуллари ёрдамида пахта толасини чигитидан ажратувчи аррали тола ажраткичнинг иш унумдорлигини ошириш, ишчи органлари ресурстежамкор конструкцияларини яратиш, уларнинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини ошириш, машинанинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш ҳисобига олинаётган пахта толаси табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, аррали тола ажратиш машинаси учунишчи цилиндр арраси тишларининг маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш, параметрларини асослаш, ишлаш муддатини ошириш ҳамда жараён энергия сарфини камайтириш масалалари пахта етиштирувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади.

Республикамизда пахта саноатини ривожлантириш, пахтани қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш ва қайта жихозлаш, пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш рентабеллигини кўтариш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда, ресурс тежовчи, жараён самарадорлигини оширувчи ва толанинг

¹ Cotton: Review of the World Situation' Articles Address Governance and Cotton Price Trends.– NY. 26 september. 2018. <http://www.ICAC.org>

²Ўзбекистон Республикас Президентининг 2018 йил 14 июл “Илмий ва илмий-техник фаолиятни молиялаштириш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли Қарори. <http://www.lex.uz/search/nathactnum 3855>.

табiiй хусусиятларини максимал даражада сақлаб қолишга имкон берувчи жин аррасининг янги профилини ишлаб чиқиш масаласи бугунги кунда мамлакат пахта саноати олдидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жиннинг ишчи органларини такомиллаштириш, ресурсларни тежаш, машина иш унумдорлигини, ишчи органларини мустаҳкамлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари чет элларда E. Whitney, S.Z.Hall, T. Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk ва бошқа олим ва муҳандислар томонидан кўриб чиқилган.

Мамлакатимиз олимларидан Р.Г.Махкамов, И.Т.Максудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Х.Т.Ахмедходжаев, Б.М.Марданов, Н.З.Камолов, А.П.Парпиев, А.Джураев, Ш.П.Алимухамедов, Р.Муродов, Р.Сулаймонов, О.Саримсаков, К.Собиров, И.Собиров, М.Абдувохидов, Д.Муҳаммадиев, С.З.Юнусов ва бошқалар аррали жин машинаси иш унумини ошириш, ресурстежамкор ишчи органлар конструкцияларини ишлаб чиқиш ва жин машинаси сарфлаётган энергияни камайтириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борганлар.

Амалга оширилган тадқиқотларда, асосан, аррали жинлаш технологияси, аррали дисклар диаметри, колосниклар ўлчамлари, ишчи камера ва чигитни ажратиш, толани ечиб олиш, технологик тирқиш ўлчамларини асослаш, пахтани таъминлашни меъёрлаш масалалари кўрилган бўлиб, жин машинасида ишчи цилиндр арралари янгиконструкциясини ишлаб чиқиш, параметрларини асослаш бўйича чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмаган, жин арраларининг мавжуд ресурслардан тўлароқ фойдаланиб, жинлаш жараёни самарадорлигини ошириш имкониятини берувчи арра конструкцияси ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Пахтани дастлабки ишлаш машиналари ва уларнинг ишчи қисмлари янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш» мавзусидоирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жин арра ишчи юзаси профилини такомиллаштириш ҳисобига унинг ишлаш муддатини ошириш ҳамда пахта толаси ва чигит сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жин машинаси электрюриткичиқувватининг жинлаш самарадорлигига таъсирини тадқиқ этиш;

жинлаш самарадорлигининг чигит механик шикастланиши, чигитдаги қолдиқ толадорлик ҳамда толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар йиғиндисига таъсирини ўрганиш;

танланган арра тиши профилининг вариантлари бўйича жинлаш самарадорлиги ва унинг ишлаш давомийлиги (муддати)га таъсирини тадқиқ этиш;

танланган арра тиши профилининг вариантлари бўйича чигит механик шикастланиши, чигитдаги қолдиқ толадорлик ҳамда толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар йиғиндисига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектисифатида пахта хом-ашёсичигитидан толасини ажратувчи машинасининг арраси ва унинг параметрлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотнинг предметини жин аррасининг ишчи юзаси профили ва уни ўзгартириш технологияси ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда пахта тозалаш корхоналарида пахта хом-ашёси ва маҳсулотларини сифатини аниқлаш, синаш, ўлчаш, солиштириш ва баҳолаш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида, компьютер дастурий таъминоти ва жараёнларни оптималлаштиришнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жинлаш машинаси самарадорлиги ва унга таъсир кўрсатувчи параметрларнинг турли қийматларида эришилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда арра профилининг тола ажратиш унумдорлиги, тола ва чигит сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

тола ажратиш жараёнида юзага келадиган зўриқиш кучлари ва уларнинг арра тишларига таъсири натижасида арранинг технологик хусусиятлари ўзгаришини инобатга олган ҳолда арра тишлари профилининг тишлар мустаҳкамлиги ва ишлаш муддатига таъсири аниқланган;

арра тиши профили ва ўлчамларининг тола ажратиш жараёни кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда тишларнинг тола ажратиш жараёни юқори самарадорлигини таъминловчи параметрлари аниқланган;

тола ажраткич арраси тишлари геометрик параметрларининг тишлар технологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижасида кичик баландлик ва дўнг орқа профилга эга бўлган тишлар мустаҳкамлиги ва ишлаш муддати амалдаги тишларникидан юқори бўлиши аниқланган;

кўп факторли тажрибаларни режалаштириш ва олинган натижалар асосида арра тишларининг жинлаш жараёнида пахта толаси ва чигити дастлабки сифат кўрсаткичлари максимал даражада сақланишини таъминловчи рационал параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра тола ажраткич электродвигателидаги ток кучининг жин самарадорлигига таъсирианиқанди;

толадаги технологик нуқсонлар, чигитдаги қолдиқ толадорлик ва чигит механик шикастланганлик кўрсаткичларининг тола ажратиш жараёнисамарадорлигига боғлиқлиги асосланди;

тишлар технологик кўрсаткичларининг тола ажраткич арраси тишлари геометрик параметрларига боғлиқлигидан келиб чиқиб, мустаҳкамлиги ва ишлаш муддати юқори бўлган кичик баландлик ва дўнг орқа профилга эга бўлган тишларга эга бўлган арра конструкцияси ишлаб чиқилган;

тажрибавий ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари натижасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарилаётган толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушиникамайтириш имконини берувчи арра тиши профили яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқот натижаларининг ҳозиргача маълум бўлган ва амалдаги фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, тадқиқотларда стандарт усул ва воситалар, замонавий назорат-ўлчов асобларидан фойдаланилганлиги, назарий йўл билан олинган натижаларни тажриба натижалари билан таққосланганда уларнинг камида 95% аниқликда ўзаро мос келиши биланизоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жин арраси тишлари рационал профилини аниқлаш, арра профилининг тола ажратиш жараёни кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар усули, ишлаб чиқилган математик моделлар ва олинган натижалар пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнининг ҳозиргача маълум бўлган назарий асосларини муайян даражада ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таққотларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилгани, жин аррасининг янги конструкцияси жин машинаси ишлаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифат кўрсаткичларининг амалдагига нисбатан яхшиланишини таъминлаёнгани, жин арраси технологик параметрлари, хусусан, арра ишлаш муддатининг ошишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жин арраси тишлари рационал профилини ишлаб чиқиш ҳисобига тола ажратиш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

рационал профили тишларга эга бўлган арралар билан жиҳозланган тола ажратиш машинаси Наманган вилоятидаги «*Uychi paxta tozalash korxonasi*» А/Жда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («*O'z paxtasanoat*» А/Жнинг 2020 йил 13 октябрдаги № 03/18-2464 сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқарилаётган толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини 0,5% га камайтириш имконияти юзага келган.

рационал профили тишларга эга бўлган арралар Наманган вилоятидаги «*Uychi paxta tozalash korxonasi*» А/Жтола ажратиш машинасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («*O'z paxtasanoat*» А/Жнинг 2020 йил 13 октябрдаги № 03/18-2464 сонли маълумотномаси). Натижада, толадаги нуқсонли

аралашмалар йиғиндиси 2.74% дан 2.33 % га, толадаги ифлослик 0.43% дан 0.30%га, чигитнинг механик шикастланиши 0.73%дан 0.48 га, чигитнинг туксизлиги 7.8% дан 7.6% га камайиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби-кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Жин арраси тишининг геометрияси бўйича ўтказилган тадқиқот ишларининг таҳлили” деб номланган биринчи боби пахта хом-ашёсига ишлов берувчи жин машинасининг тараққиёти ва истикболлари, пахта хом ашёси, маҳсулотлари ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари, пахта толаси ва чигитнинг сифатига қўйиладиган талаблар, жин машинаси ишчи органи жин арраси конструкциясини ишлаб чиқариш, самарадорлигини ошириш омиллари, техника ва технологиялари тараққиёти ва самарадорлигини ошириш йўллари каби масалалар таҳлиliga бағишланган.

Маълумки, пахта хом-ашёсига асосий ишлов берувчи машиналаридан бири - бу жин ускунаси бўлиб, унинг вазифаси пахта толасини унинг чигитидан ажратиш ҳисобланади. Жин ускунаси яратилгандан бошлаб, тола ажратиш самарадорлигини ошириш мақсадида, бугунги кунгача унга жуда кўп конструктив ўзгартиришлар киритилди. Саноатда пахта хом-ашёсига ишлов беришда толанинг табиий хоссаларини сақлаб қолишга, якуний маҳсулот сифатини оширишга эҳтиёж ортиб борган сари, ишлов берувчи ишчи органлар конструкциясини такомиллаштиришга эътибор кучайди.

Ҳозирги вақтга қадар жин арраси ишчи юзасининг конструкциясини такомиллаштириш устида жуда кўп изланишлар олиб борилган. Бунда, айниқса жинлаш назарияси ва амалиётини ривожлантиришга катта урғу берилган. Ҳақиқатан ҳам, жин арраси тишининг геометриясини тўғри танлаш унинг

ишлаш муддатига, махсулот сифатига, жинлаш жараёнининг самарадорлигига, энергия тежамкорлигига, арратишидан тола массасининг ажралишига, шунингдек жинлаш жараёнининг бир меъёрда ўтишига (жин колосник панжарасининг пастки қисмида тирбандликни камайишига) катта таъсир кўрсатади. Олиб борилган илмий-адабий таҳлил натижасида ушбу тадқиқотларнинг масад ва вазифалари белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг мақсади жин арраси ишчи юзасининг профилини такомиллаштиришорқали пахта толаси ва чигит сифат кўрсаткичларини сақлаш ва тола ажратиш жараёни самарадорлигини оширишдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот олдида қўйилган вазифалар белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Жин арраси тиши профилининг жинлаш жараёнига таъсири назарий ва амалий тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобда жиннинг асосий ишчи органи ҳисобланадиган жин арраси профили ва параметрларининг жинлаш жараёни кўрсаткичларига таъсирини сасослаш бўйича ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган.

Жиннинг аррасини тадқиқот ишларини бир-бирини тўлдирадиган иккита асосий йўналишда ўтказилди. Биринчи йўналиш хозиргача маълум бўлган назарий тадқиқот ишларида қилинган ёндашувлар асосида амалга оширилган таҳлиллар, иккинчиси жараённинг мантиқий таҳлиliga асосланган тадқиқотларни ўз ичига олади. Жин машинаси арраси тишлари томонидан пахта толасини юлиб олиш жараёнини кўриб чиқамииз.

Жараёнда битта арра илаштирган тола массаси $m_0(\text{gr})$ бўлсин. Арра тишлари сони z , арра айланишлар сони $n(\text{ayl}/\text{min})$ бўлса, тола ажраткичнинг 1 мин даги иш унуми қуйидагича бўлади:

$$P_m = m_0 z n, \quad (1)$$


Битта арралицилиндрда N та арра бўлса ва ишунумини соатларда ифодаласак:

$$P_m = 60 m_0 z n N, \quad (2)$$

Одатда, ўртақувватли пахта татозалаш корхоналарида 2 татозалаш машинаси қўйилади ва ўртача ишунуми соатига 10 тонна (10000 kg), 1 та машинага эса 5 тонна (5000 kg) ниташкил қилади. Шунга қўра, ДП маркали жинларда 130 та арра, 1 та аррада 280 татиш, арра айланишлар сони 730 ayl/min бўлишини ҳисобга олиб, ҳисобласак,

$$m_0 = P_m / (60 z n N) = 5000 / (60 \cdot 280 \cdot 730 \cdot 130) = 3.14 \cdot 10^{-6} \text{kg}$$

Бунга қўра, айтиш мумкинки, жин машинасининг ишунуми соатига 5 тонна бўлганда, унинг битта тишига $3.14 \cdot 10^{-6} \text{kg}$ ёки $3.14 \cdot 10^{-3} \text{g}$ пахта толаси тўғри келади.




1-расм. Битта тишга тўғри келадиган тола массасининг жин машинаси иш унуми ва аррали цилиндр айланишлар сонига боғлиқлиги.

Маълумотномаларга қарасак, ўртатола липахтанинг 1 татоласи $m_t = (0.5 - 0.6) \cdot 10^{-5}$ грамм бўлади.

У ҳолда, шундай ишунумида битта арратишига тўғри келадиган толалар сонига қуйидагича тенг:

$$N_t = m_o / m_t = 3.14 \cdot 10^{-3} / (0.5 - 0.6) \cdot 10^{-5} = 628 - 523 \text{ дона.}$$



2-расм. Толалар тутами кесим юзасини аниқлаш схемаси.

Тутам диаметри d , узунлиги L бўлса унинг ҳажми:

$$V = SL$$

Аррага илашган толалар тутам ҳолатида бўлади (3-расм). Тутам кўндаланг кесими ва у эгаллаган ҳажми аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Битта тола диаметри $d_t = 15 - 25 \text{ мкм} \approx 2 \times 10^{-2} \text{ мм}$, кўндаланг кесим юзаси:

$$S_t = 0.25 \pi d_t^2 = 0.25 \times 3.14 \times 4 \times (10^{-2})^2 = 3.14 \times 10^{-4} \text{ мм}^2;$$

Тутамдаги толалар сонига бўлганда тутам эгаллаган юза қуйидагича тенг бўлади:

$$S = k N S_t; \quad (3)$$

Буердак – толаларнинг тутам кесим юзасини тўлдириш коэффициентини.

Унинг қиймати 1 дан юқори. $k = 1.25$ бўлсин. Унга қўра,

$$S_t = k N S_t = 1.25 \times (628 \div 523) \times 3.14 \times 10^{-4} = 0.25 - 0.21 \text{ мм}^2;$$

$$S_t = 0.25 \text{ мм}^2 \text{ қабул қиламиз.}$$

Толанингўртача узунлигини ўртатолали пахта учун $L = 32$ мм қабул қиламиз.
У ҳолда

$$V = (0,25 \div 0,21) \times 32 = (6,72 \div 3,3) \text{ мм}^3$$


Толалар тутамининг арратишлари орасидаги бўшлиқ юзасининг қанча қисмининг эгаллашини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Арратишлари орасидаги бўшлиқ уч бурчак дани борат.

Унинг юзасини аниқлаймиз.

Бунинг учун

2-расмдан уч бурчак томонларини топамиз:



3-расм. Арра тишлари орасидаги майдонни аниқлаш схемаси

$$b = \frac{h}{\cos 60} = \frac{3,46}{0,5} = 6,92 \text{ мм}$$

$$a = \frac{h}{\cos 40} = \frac{3,46}{0,77} = 4,49 \text{ мм}$$

3 томони маълум бўлган уч бурчакнинг юзини Герон тенгламаси ёрдамида аниқлаймиз:

$$s = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)} = \sqrt{7,5(7,5-3,59)(7,5-6,92)(7,5-4,49)} = 7,2 \text{ мм}^2$$

Бу ерда p - ярим периметр, $p = 0,5(a+b+c) = 0,5(4,49 + 6,92 + 3,59) = 7,5$ мм.

Тола тутами арра тишлари орасидаги майдоннинг қанча қисмини эгаллашини кўрсатувчи коэффициент e бўлсин.

Уни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$e = (S_t / S) \times 100\% = (0,25 / 7,2) \times 100\% = 3,47\%$$

бу қиймат жуда кичик ва пахта тутами арра тишлари орасидаги майдоннинг атиги 1/29 қисминигина ташкил қилишини кўрсатади. Бундан кўринадикки, демак, арра тишлари орасидаги фойдали майдоннинг жуда ҳам кам қисми ишлайди ва майдоннинг асосий қисми бўш қолади. Шунга кўра, айтиш мумкинки, арра тишларининг ўлчами жуда катта заҳира билан олинган, яъни амалдаги иш унуми (масалан, 5 т/машина соат) учун тишлар орасидаги майдон ўлчами катта ва мантиқан қараганда, уни муайян даражада кичрайтириш аррали жинлаш жараёни самарадорлигини пасайтирмайди. Аммо, бу тадбир тишлар ўлчамини камайтиришга олиб келади ва аррадан самарали фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада оширади. Масалан, ҳозирги кунда 320


mmдиаметрдаги жин арралари 280 mm ли диаметрда бўлган ўлчамга, яъни, 4 мартага қайта тиш чиқариб, фойдаланилмоқда. Ва, агар, тиш қадамни сақлаган ҳолда, унинг баландлигини 2 mm га келтирилса, юқоридаги шартлар асосида (280 mm ли диаметрда бўлган ўлчамда фойдаланиш назарда тутилмоқда), арралардан 6-7 мартага қайта тиш чиқариб, фойдаланиш мумкин бўлади ҳамда корхонадаги аррага эҳтиёж 1.5 мартага камаяди.

Маълумки, аррала жинлаш жараёнида пахта махсулотлари дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш масаласи долзарб ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, жинлаш жараёнининг хомашёга кучли зарбавий таъсирлар кўрсатиш орқали олиб борилишидир. Натижада, пахта чигитида механик шикастланиш, жумладан, эзилиш, синиш, кесилиш, майдаланиш ҳолатлари, толада эса, узилиш, синиш ва кесилиш натижасида калталаниш ҳолатлари юз беради. Бундай таъсирлар натижасида пахта толаси ва чигитининг сифат кўрсаткичлари ёмонлашади: чигит механик шикастланиши натижасида унинг умумий миқдори камаяди, унинг ифлослаиш даражаси ортади, чигит синиши натижасида унинг унувчанлиги пасаяди, техник чигитларда ёғ чиқиши камаяди, толада чигит пўстлоғи билан юлиб олинган толалар миқдори кўпаяди, толанинг ўртача узунлиги камаяди, ундаги калта толалар индекси ошади, толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши ортади. Шу нуқтаи-назардан, чигит ва тола шикастланишига сабаб бўлувчи зарба ҳодисасини ўрганиш зарур. Дастлаб, арра тишлари билан чигит ўртасидаги зарба ҳодисасини кўриб чиқамиз.

Бизга маълумки, жин машинаси ишчи камерасида ҳосил бўлган хомашё валиги 2-2.2 m/s чизиқли тезлик билан айланма ҳаракат қилади. Ишлаш жараёнида аррала цилиндр арраси тишлари 12.0 m/s тезликда хомашё валигига келиб урилади. Хомашё валиги камерага янги кириб келган пахта бўлаклари ва қисман жинланган, шунингдек, толаси тўлиқ юлиб олинган чигитлардан таркиб топган бўлиб, арра тишлари валикнинг толадор қисмига ёки толасиз чигитга, унинг пишиқлиги паст бўлган уч қисмига ёки пишиқлиги юқорироқ бўлган шарсимон қисмига урилиши мумкин. Бу ерда тишларнинг нима билан тўқнашиши эҳтимолли ходиса ҳисобланади.

Аммо, кузатишлар 60-70% ҳолатларда тишлар янги кириб келган пахта, яъни толадор масса билан учрашишини кўрсатмоқда. Чунки, хомашё валигининг юқорисидан тушиб келаётган пахта валик атрофида толадор қатлам ҳосил қилади ва ишчи камеранинг олд фартуги ички деворига сирғалиб келиб аррала цилиндрга рўбарў бўлади. Шундай бўлсада, 30-40% ҳолатларда арра тишлари чала тозаланган ёки тўлиқ тозаланган чигит қобиғи билан учрашиши мумкин. Бу ҳолатларни кузатсак, чигитнинг катта шарсимон қисми деворининг пишиқлиги бошқа томонларига нисбатан юқори экани, арра тишлари орасига ботиш чуқурлигининг камлиги, ҳамда кейинроқ, чигит колосник юзасига келиб урилганда, унинг зарба сабабли, тишлар орасидан чиқиб кетиш имкониятининг юқори эканини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатларда чигит деворининг умуман шикастланмаслигига кафолат бўлмасада, шикастланиш эҳтимолининг нисбатан паст эканини эътироф этиш лозим бўлади.

Энг хавфли ҳолат сифатида пахта чигитининг уч томони билан арра тишлари орасига кириб қолган ва шу тарзда колосник юзасига келиб урилган ҳолатни қабул қилиш мумкин (4-расм).



4-расм. Арра тишлари билан пахта чигитининг ўзаро зарбали таъсирлашувида энг хавфли ҳолат схемаси

Дастлаб, арра тишларининг хомашё валиги илашган ҳолда, эркин турган пахта чигити билан зарбали таъсирлашуви жараёнини кўриб чиқамиз. Арра тиши массаси m_1 , тезлиги v_1 , пахта чигитининг массаси m_2 , тезлиги v_2 бўлсин. Юз берадиган зарба жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} m_1 \frac{dv_1}{dt} &= -F, \\ m_2 \frac{dv_2}{dt} &= -F. \end{aligned} \right\} \quad (4)$$

Буердагизарбакуचितўлиғичаэмас,
 балкиунингчигитоғирликмарказиданўтганўқдагипроекциясичигитнидеформаци
 ялайдиваунингайтилганўққатикўқдагипроекциясибиланчигитоғирликмарказига
 чабўлганмасофаМкучмоментиниҳосилқиладиваучигитниайлантиришгаҳаракатқ
 илади (4-расм). Бизучунушбуҳолатаҳамиятли. Чунки,
 чигитарратишибиланконтактдабўлганнуқтаатрофидаайланса,
 унингорқатомонларидагитолаларнинггарратишларибиланучрашишигаимкониятт
 уғиладивачигиттоласитўлароқечиболинади.
 Ушбукучмоментикийматиноширсак,
 чигиттезроқайланадиваунингтолалариниечиболишимкониятиошади.
 Бунингучункучелкасиниоширишмумкин, аммо, буобъективходисабўлиб,
 бизунгатаъсиркўрсатаолмаймиз. 2-йўл —
 кучпроекцияси F_x нингқийматиноширишдир.
 Бунингучунарратишлариолдбурчагиқиялигинимуайянмиқдоргачакамайтиришк
 еракбўлади.Бупроекциякуйидагичатопилади:

$$F_x = F \cos \frac{\gamma + \alpha}{2}, \quad (5)$$

Буердауарратишиолдтомонинингконтактнуқтасидараиустатик

текисликканисбатаноғишбурчаги,
 арратишиорқатомонинингконтактнуқтасидараиустатиктекисликканисбатаноғи
 шбурчаги.

α

—

Арратишинингорқабурчагитишнингқалинлигини,
 яънимустаҳкамлигиниифодалайди.

Шунингучунуниолдбурчакканисбатанамалдаги
 граусгакўпбўлгандаражадасаклашмаксдгамувофиқ.
 бубурчактоланиилиболишгахизматқилмайди.

20

Чунки,

Косинусфункциясибурчак 0 гатенгбўлганда 1 гатенгбўлади.
 Бундатаъсиркучиваунингпроекциясиўзаротенглашади, аммобуҳолдатишхам,
 толаниилиболишхамбўлмайди. У 90 градусда 0
 гатенгбўлса,буҳолдатаъсиркучининградиусгатиктекисликдагипроекциясинолга
 тенгбўлиб, тишнингтоланиутутибтуришхусусиятийўқолади.


Тишқиялигинингамалдагиқийматирадиусганисбатан 40^0 ,
 унгатиктекисликканисбатан 50^0 ниташкилқилади. Буқийматтишнинг 3.46
 ммбўлганбаландлигинитаъминлабберади.

Рационалоғишбурчагинианиқлашучунбизтишнингбаландлигиникандайқийматг
 ачатуширишимизлозимлигинибилишимизкерак.

Аввалроқ,

тишгаилашгантолаларқалинлигинитаҳлилқилганимиздаунингтоланиилиболишх
 усусиятивапишиқлигинитаъминлаганҳолдатишбаландлигини 2

ммгачапасайтиришмумкинлигиниайтганэдик. Шунуқтаиназардан,
 тишбаландлигини 2 ммқабулқиламизваунингқиялигинитопамиз.



5-расм. Тиш баландлиги
 бўйича унинг қиялигини
 топиш схемаси

5-расмдан куйидагилар маълум:

$$\cos \gamma = h/a; \quad \cos(\gamma + \alpha) = h/B, \quad (6)$$

Синуслар теоремасига кўра:

$$\sin(90 + \gamma)/B = \sin(90 - \gamma - \alpha)/a = \sin \alpha/c; \quad (7)$$

Келтириш тенгламаларига кўра: $\sin(90 + \gamma) = \cos \gamma$.

$\alpha = 20^0$ бўлсин. Тиш қадами ўзгармайди: $C=3.59\text{mm}$; тиш баландлигини
 $h=2\text{mm}$ қабул қилсак,

$$\cos \gamma = 2/a; \cos(\gamma + 20) = 2/B; \cos \gamma/B = \cos(\gamma + 20)/3.59 = \sin 20/c \Rightarrow$$

$$\cos \gamma/B = \sin 20/3.59 \Rightarrow \cos \gamma = 0.095B = 2/a; 2/B = 3.59 \times 0.34/3.59 \Rightarrow$$

$$2/B = 0.34 \Rightarrow B = 2/0.34 = 5.89 \text{ mm} \Rightarrow a = 2/(0.095 \times 5.89) = 3.57 \text{ mm}$$

$\Rightarrow \gamma = \arccos(0.56) = 0.98 = 56.2^\circ$ ёки радиусгати текисликканисбатан олганда $90 - 56.2 = 33.9^\circ$. Тишорқасинингоғиши эса $39.9 + 20 = 59.9^\circ$.

Тишларорасидагимайдон, Геронтенгламасига кўра:

$$S = \sqrt{p(p-a)(p-B)(p-c)} = \\ = \sqrt{6.525(6.525 - 3.57)(6.525 - 5.89)(6.525 - 3.59)} = 5.99 \text{ mm}^2$$

$$\text{Ярим периметр } p = 0.5(3.57 + 5.89 + 3.59) = 6.525 \text{ mm}$$

Толатутаминингарратишлари орасидагимайдоннинг қанча қисмини эгаллаши никўрсатувчи коэффициент куйидагича аниқланиши мумкин:

$$e = (S_t/S) \times 100\% = (0.25/5.99) \times 100\% = 4.17\%$$

амалдаги вариантда 3.5% эди. Бизнинг вариантда 4.2% га кўтарилди. Аммо, яна катта захира мавжудлигини айтиб ўтиш лозим.

Энди, зарба ҳодисасини тўлиқ кўриб чиқамиз.

Таъсирлашаётган жисмлароғирлик марказларининг зарба давомида бири-бирига яқинлашиш тезлиги куйидагига тенг бўлади:

$$\dot{\alpha} = v_1 - v_2, \quad (8)$$

Герцконунига биноан, зарба кучини куйидагича ифода лаш мумкин:

$$F_z = n\sqrt{a^3} \quad (9)$$

Статик ҳолатлар учун қабул қилинган қиймат зарба жараёни учун ҳам ишлайверади. Шунга кўра:

$$n = 4 \frac{\sqrt{R_1}}{3\pi(k_1 + k_2)} \quad (10)$$

Бу ерда R_1 зарба берувчи жисм радиуси, коэффициентлар

$$\left. \begin{aligned} k_1 &= (1 - \nu_1^2)\pi E_1, \\ k_2 &= (1 - \nu_2^2)\pi E_2, \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

Бунда, E ва ν мос равишда Юнг модули ва Пуассон коэффициенти.

1 ва 2 индекслар зарба берувчи (арра тиши) ва қабул қилувчи (пахта чигити) га тегишлиликни билдиради. (8) ни дифференциаллаб, (4) ни ҳисобга олган ҳолда (9) га кўйсак, куйидагини оламиз:

$$\ddot{\alpha} = nM\sqrt{a^3}, \quad (12)$$

бу ерда

$$M = \frac{1}{m_1} + \frac{1}{m_2}, \quad (13)$$

Энди, (12) тенгламанинг ҳар 2 томонини \dot{a} га кўпайтириб, интегралласак, куйидагига эга бўламиз:

$$\dot{a}^2 - v^2 = -\frac{4}{5} Mn \sqrt{a^5} \quad (14)$$

бунда, v зарба бошланганда ($t=0$) жисмларнинг ўзаро яқинлашиш тезлиги, m/s .

Деформациянинг максимал қиймати a , жисм ҳаракатдан тўхтаганда, яъни $\dot{a}=0$ да юзага келади.

$$a_1 = \sqrt{(5 v^2 / 4 M n)^5} \quad (15)$$

Энди, олинган тенгламалар асосида барча керакли параметрларни аниқласа бўлади. Жисмларнинг ўзаро яқинлашиш тезлиги: арра тишлари тезлиги $12 m/s$, чигит тезлиги $2 m/s$ ва тезликлар бир томонга йўналганлиги учун, уларнинг айирмасига тенг бўлади: $v = 12 - 2 = 10 m/s$.

$$(13) \text{ га кўра } M = \frac{1}{m_1} + \frac{1}{m_2} = \frac{1}{5} + \frac{1}{6.1 \times 10^{-2}} = 3.83 g^{-1}.$$

(11) дан k_1 , k_2 , (10) дан n , (15) дан a , (9) дан F_z зарба кучини топиш мумкин. Бунда E ва v мос равишда Юнг модули ва Пуассон коэффициенти пўлат учун $E = 200 \times 10^9 Pa$; $\nu = 0.24 - 0.28$, пахта чигити учун $E = 12 \times 10^9 Pa$; $\nu = 0.25$ (қайишқоқ материал учун); тиш учи радиуси $R_1 = 0.1 mm$ бўлганда F_z зарба кучининг ўзгариш графикларини олиш мумкин.

Зарба кучи чигит қобиғида G кучланишни юзага келтиради. Чигит синмаслиги учун бу кучланиш чигит қобиғининг G_r мустаҳкамлик чегарасидан ошмаслиги керак. Унинг қийматини куйидагича аниқлаш мумкин:

$$G = \frac{F_z}{s_k} \leq G_r, \quad (16)$$

Бу ерда, s_k - зарба майдони (арра иши билан чигит қобиғи контактда бўладиган юза катталиги, m^2), G_r – чигит қобиғини синдирадиган критик кучланиш, Pa . $100 - 130 MPa$ кучланиш 1 та толани узилиши учун етарли. Чигит қобиғи материали тола материалига яқин бўлгани учун шу кучланишни чигитни синдирадиган критик кучланиш сифатида қабул қиламиз: $G_r = 120 MPa$ ва s_k зарба майдонининг турли қийматлари учун зарба кучланишини аниқлаб, критик кучланиш билан солиштириб, арра тиши учининг рационал R_1 думалоқланиш радиусини аниқлаш мумкин.

Навбатдаги тадқиқотлар пахта тозалаш корхоналари арра тайёрлаш цехларида ўтказилди.

Синов ишлари объекти сифатида турлича шакл ва параметрга эга бўлган жин арралари бўлди. Синовлар 3 босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич тадқиқот ишларида жин машиналарига ПДИ 64-2016 йўриқномаси бўйича тайёрланган арралар кўйилди ва бир смена давомида машиналар иши ва олинган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари кузатиб борилди. Олинган маълумотлар тегишли жадвалларга киритилди.

Иккинчи босқич тадқиқот ишларида тадқиқот объекти турлича тиш учи қалинликларига (“e”) эга бўлган 5 хил: 0,2-0,3; 0,4-0,5; 0,6-0,7; 0,8-0,9 ва 0,95

$\pm 0,05$ мм ўлчамдаги жин арралари олинди. Жин аррасининг қолган параметрлари амалдаги ПДИ 64-2016 йўриқномаси бўйича қабул қилинди.

Учинчий ўналиш бўйича турлича баландликлар тишнинг ўтмашлашиш бурчагининг ўзгариши ҳисобига эришилди, тиш ости юмолоқлаш радиуси эса 0,4 мм га тенг бўлди, учинчи йўналиш бўйича эса тишнинг турлича баландлиги тиш остини юмолоқлаш радиусининг ўзгариши ҳисобига эришилди (барча вариантларда ўтмаслашиш бурчаги 20° атрофида бўлди).

Барча вариантларда тиш учи қалинлиги $0,8 \pm 0,1$ мм, тиш қадами – 3,57 мм ва диск диаметри 312 мм, тишнинг қалинлиги $0,95 \pm 0,05$ мм бўлди. Натижада, биринчи йўналиш бўйича 1; $1,5 \pm 0,2$; 2,5; 3,5; 4,5, иккинчи йўналиш бўйича 1,5; $2,0 \pm 0,1$; 2,5; 3,5; 4,5 тиш баландлигига эга бўлинди. Шундай тишларга эга бўлган арралардан амалдаги тартибда аррали цилиндрлар тайёрланиб, жин машинасига қўйилди ва жинлаш жараёни амалга оширилди.

Дастлабки синов ишларида тишнинг учи қалинлиги $0,8 \pm 0,1$ мм, тиш баландлиги $1,5 \pm 0,2$ ва $2,0 \pm 0,1$ ҳамда тиш ости юмолоқлаш радиуси 0,6 – 0,8 мм бўлганда олинган пахта толаси сифат кўрсаткичлари амалдагига нисбатан ижобий томонга ўзгаргани аниқланди. Олинган натижалар мазкур тадқиқот ишларининг йўналиши тўғри танланганини тасдиқлади.

Диссертациянинг **“Жинлаш арраси тишларини лойиҳалаш асослари”** деб номланган учинчи бобида жиннинг асосий ишчи органи бўлган арра ва унинг тишлари параметрлари ҳамда уларни лойиҳалаш масалалари кўрилган. Дарҳақиқат, арранинг асосий ишчи юзасини унинг тиши профили ташкил этади. Тишпрофилининг геометрик асосланган параметрлари жиннинг ишлаш самарадорлигини белгилайди, яъни арра тишларининг ишлаш муддатининг ортиши, пахта махсулотлари сифатининг яхшиланиши ва миқдорининг ортиши арра тиши параметрларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Арра дискининг асосий параметрлари унинг диаметри, қалинлиги ва тишлар сони ҳиобланса, тиш профилининг асосий геометрик параметрларини унинг баландлиги, қадами, олдинги тиф бурчаги, тиш остини юмолоқлаш радиуси ва тишнинг қалинлиги ташкил этади.

Арра диски тишларининг геометрик параметрларининг ўзгариши арра диски хом-ашё валигининг тезлигига ва унинг перифериясидаги пахта қатлами таркибига, арра билан хомашё валиги учрашиш ёйи катталиги ва арранинг хомашё валиги ичига кириб бориш масофасига сезиларли таъсир этади. Шунинг учун тишнинг баландлиги узок вақт илмий ва ишлаб чиқариш ходимларининг ўрганиш объектлари бўлиб келган.

Жин арраси устида ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида жин аррасининг оптимал геометрик параметрларини аниқлаш тенгламалари келтириб чиқарилди. Тишнинг назарий баландлигини қуйидаги тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$h = \frac{t \cdot \sin \gamma \cdot \cos \alpha}{\cos(\alpha + \gamma)}$$

γ – тиш арраси олд қиррасининг оғиш бурчаги;

α – тиш арраси орқа қиррасининг оғиш бурчаги;

t – тишнинг қадами.

